**Корхона (ташкилот, муассалар ва юридик шахс)лар учун қаттиқ маиший чиқинди(ҚМ.Ч) ва суюқ маиший чиқиндиларни (СМЧ) олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш**

**№ 1 -сонли ШАРТНОМА**

"13" 01 2022_йил Бағдод тумани

Бундан буён матнда "Ижрочи" деб аталувчи Низом асосида фаолият олиб борувчи Фаргона вилояти "Тоза Худуд" ДУК Бағдод туман филиали номидан рахбар Б.Зиятов , бир томондан ва бундан буён матнда "Буюртмачи" деб юритилувчи Бағдод тумани Халқ таълими бўлими мудири А. Хонкелдиев иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ:

1.1. **"Буюртмачи"** қаттиқ ва суйуқ маиший чиқиндилар(бундан буён ҚМЧ ва СМЧ деб ўқилсин) ни топширади, **"Ижрочи"** эса шартномада кўрсатилган хақ эвазига **"Буюртмачи"** томонидан махсус белгиланган жойга йиғилган ҚМЧ ва СМЧ ларни ташиб чиқиб кетишни уз зиммасига олади, **"Буюртмачи"** эса хизмат туловларини тулаб бериши шарт.
1.2. ҚМЧ ларни умимий хажми бир йилга 977 м3 44942000 суммани ташкил этади.
1.3. СМЧ ларни умумий хажми бир йилга ______ тонна ____________ суммани ташкил этади.
1.4. ҚМЧ ва СМЧ ларни умумий қиймати 44942000 сўмни ташкил этади.

## 2.Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

2.1 Ушбу шартномани имзолаш пайтида амалдаги нарх бир м3 КМЧ учун 46000 сўм, (ҚҚС билан ҚҚС сиз)
2.2 СМЧ хар бир тоннаси учун ____________ сўм, (ҚҚС билан ҚҚС сиз).
2. 3 Шартнома бўйича бир йиллик кўзда тутилган тўлов суммаси ( 44942000 Қирқ тўрт миллион тўққиз юз қирқ икки минг ) суммани ташкил этади.
2.4 Хисоб-китоб хисоб рақамига пул ўтказиб бериш йўли билан амлга оширилади. Шартноманинг 2.1-2.2-бандида қайд этилган маълумотлар тарафлар ўртасида хисоб-китоб учун асос хисобланади.Мазкур шартноманинг 1.1-1.2-1.3-бандида кўрсатилган хисоб-китоб шартноманинг 9.2-банди талабларига риоя этилган холда ўзгартирилиши мумкин.
2.5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.11.2018 йил кунги ПҚ-5580-сонли Фармонига асосан, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўлов истеъмолчилари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилаадиган шартномаларга мувофиқ бевосита хизмат кўрсатувчи ташкилотларга кузда тутилган тўлов суммаси 100 фоиз олдиндан тўлаш асосида амалга оширилади.

## 3. "БУЮРТМАЧИ"НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш хажми ва олиб кетиш муддати соат 08:00 дан 17:00 гача чиқиндилар йиғиш қутиларига олиб чиқиб ташлаш белгиланган

3.2.ҚМЧ ташланадиган қутиларни қуриш, йирик хажмдаги чиқиндилар ва шох шаббаларни ташиб кетиш учун алохида хак эвазига бир марталик шартнома тузиш.

3.3. Чиқинди сақлаш қутилари жойлашган майдончалар ва чиқинди тўплаш қурилмаларига автомашиналарни эркин яқинлашишини ва чиқинди қутиларини доимо соз холатда сақланишини таминлаш.

3.4. ҚМЧ ни ўз вақтида олиб чиқиб кетишини ва СМЧ ларни буюртма асосида олиб чиқиб кетишини доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган холларда ____________ телефонига телефонограмма йўллаш орқали **"Ижрочига"** маълумот бериш.

3.5. Бажарилган ишнинг хажмини **"Ижрочи"**нинг хужжатларида **"Буюртмачи"** вакилининг имзоси ва корхона мухри билан тасдиқлаб бориш.

## 4. "ИЖРОЧИ"НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Шартнома кўрсатилган ҚМЧ ташланадиган махсус манзилдан чиқиндиларни махсус автомашиналарда жадвал асосида олиб чиқиб кетилишини таминлаш.

4.2. "Буюртмачи" нинг буюртмасига асосан қўшимча тўлов хисобига қурилиш ва йирик хажмдаги чиқиндиларни шох-шаббаларни олиб чиқиб кетиш учун транспорт ажратиш.

4.3. Хар ой бошига ўтган хисобот ой учун шартнома асосида **"Буюртмачи"** хисоб рақамига тўлов талабномасини юбориш.

4.4. "Буюртмачи" томонидан ҚМЧни ўз вақтида олиб чиқиб кетилмагани тўғрисида маълумот келиб тушгандан сўнг 1 кун муддат ичида кўрсатилаган манзилдан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш.

4.5. Бириктирилган йўналишда санитар тозалик назоратини олиб бориш.

4.6 СМЧ ларни олиб чиқиб кетиш бўйича ижрога буюртма бериш.

4.7 Фавқулотда холатларда буюртмачига қўшимча равишда буюртма берилади ва бир марталик шартнорма асосида алохида хисоб китоб қилинади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. **“Буюртмачи”** шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган хар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0.4 % миқдорида, лекин кечиктирилган тўловнинг 50 % дан ошмаган миқдорда “Ижрочи” га пеня тўлайди.

Агар **“Ижрочи”** ушбу хабарномадан сўнг ўз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 24 соат ичида ҚМЧ олиб чиқиб кетилмаса, “Буюртмачи” жамоатчилик иштирокида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома айбдорга нисбатан шартномада кўрсатилган жазо турларини қўллаш учун асос хисобланади.

5.2 **”Ижрочи”** ўз вақтида ҚМЧ олиб чиқиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида хар бир кун учун олиб чиқиб кетмаган ҚМЧ хажми кийматидан 0.4%микдорида, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50% дан ошмаган микдорида **“Буюртмачи”**га пеня тўлайди.

5.3 Жарима ва пения тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

5.4 Ушбу шартномада кўрсатилган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси,”Хўжалик юрутувчи субектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа хужжатлар билан белгиланган.

## 6.Шартнома муддати

6.1. Мазкур шартнома «13». «01» «2022» йилда бошланиб, «31». «12» «2022» йилда тамомланди.

## 7. Низоларни хал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома юзасидан низолар ва келилишмовчиликлар тарафларнинг щзаро келишуви билан бартараф этилади.

7.2. Тарафлар томонидан қонун хужжатларида белгиланган судгача келишмовчиликларни хал этиш чоралари( талабнома юбориш ва х.з) кўрилгунга қарамай низо ўзаро хал этилмаганда, қонун хужжатларида белгиланган тартибда низони хал этиш учун тегишли тартибда Фарғона филояти Иктисодий судига мурожат этилади.

## 8. Форс-мажор холатлар

8.1. Тарафлар ўз ихтиёрларига қарамай юзага келиши мумкин бўлган сабаблар ёхуд холатлар ( шу жумладан зилзила, сув тошқини, уриш холати тарафларинининг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган бошқа табиий офатлар) хамда Хукуматнинг норматив хуқуқий хужжати қабул қилиниб, шартномавий мажбуриятларини бажарилишига тўсқинлик қилишига олиб келганда, бу холатлардан хабардор бўлган ёки бўлиши лозим бўлган тараф икки хафта олдин бошқа тарафга ёзма равишда маълум қилинган холдагина ушбу холатлар форс-мажор холати хисобланиб, ушбу холатлар тарафлар мажбуриятларни бажара олмаганлиги учун жавобгар бўлмайдилар.

## 9.Шартномани бекор қилиш, ўзгартириш ёки қўшимча киритиш тартиби

9.1 Амалдаги шартнома муддатидан олдин қуйдаги холларда бекор қилиниши мумкин.

9.2 Мазкур шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимча киритиш ёки шартномани муддатидан илгари бекор қилиш ушбу хакдаги таклифлар ёзма равишда амалга оширилиб, ваколатли шахслар томонидан имзолангандан сўнгина хақиқий деб топиллиб, ушбу илова шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

9.3 Ушбу шартнома икки нусхада бўлиб, хар бири юридик кучга эгадир. Шарнома бир донадан хар бир тарафда сақланади.

## 10. ТОМОНЛАРНИ ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

**<<Ижрочи>>**

<<Тоза худуд>> ДУК Бағдод тумаn филиали
(Маиший чиқинди олиб кетувчининг номи)
Манзил: Бағдод тумани
Х/Р:22604000700782008042
Банкноми:**Ипотека Банк Фаргона**
МФО: 00544 СТИР: 304906649
Тел.________________

Рахбар: ______________ Б. Зиятов
(имзо)

**<<Буюртмачи>>**

Бағдод тумани ХТБ
(Маблағ олувчининг номи)
Манзил: Бағдод тумани Оқ-Олтин кўчаси 4-уй
Х/Р 100022860302097092100075061
МФО: 00014 ХХТУТ__________ СТИР 200158858
Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш.
МФО__________________

Рахбар: ______________ А. Хонкелдиев
(имзо)

### Юридик хулоса

**Тузилаётган шартнома лойихасини хуқуқий экспертизасини «Хўжалик юритувчи обеъктлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонуннинг 10,20,21- моддаларига биноан хуқуқий экспетизадан ўтказилди.**

**Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 353-354, 357-366-моддаларига мос келади.**

**Шарнома предмети, хисоб-китоб тартиби, томонларнинг мажбуриятлари, жавобгарлиги ва низоларни хал этиш тартиби нимидан шартномани имзоловчи ваколвтларни ўрганиб, Шартнома тузишга Ваколатлилиги аниқланди. Мазкур шартнома лойихасини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига амал қилган холда тузилди ва бу шартнома бўйича тарафлар ўзаро хўжалик алоқаларини йўлга қўйиб манфаатли хамкорликни йўлга қўйишлари мумкин.**

**Хулоса сифатида шартномани имзолаш мумкинлиги аниқланди.**

**Хуқуқшунос:**

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: Y14514183873

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1.Loyihaning turi** – Shartnoma.

**2.Loyihaning nomi-** Xalq ta'limi bo'limi bilan "Toza hudud" DUK Bag'dod tuman filiali o'rtasida qattiq maishiy chiqindilarni tashib olib chiqib ketish haqida.

**3.Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Bag'dod tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan ishlab chiqilib, 2022 yil 13 yanvar kuni elektron tizim orqali taqdim etilgan.

Taqdim etilgan shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni talablariga muvofiq tuzilgan.

**Bag'dod tuman yuridik xizmat**
**ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti:** **R.Umarov**

# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI HOKIMINING QARORI

2021 йил «27» июль 40-11-0-Q/21 Фарғона вилояти ҳокимлиги

**Вилоят ҳудудларида маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш учун мажбурий тўлов тарифларини тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги "Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4845-сонли ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2021 йил 14 июлдаги VI-32-5-11-0-К/21-сонли қарорларини инобатга олиб, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сонли қарори ижроси юзасидан вилоят ҳокимининг 2021 йил 5 октябрдаги 259-сонли қарори кабул қилинганлиги маълумот учун қабул

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сонли қарори билан 2021 йил 1 январдан бошлаб ҳудудларда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш учун мажбурий тўлов тарифлари (хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан келишилган нархларда амалга ошириладиган алоҳида хизматлар учун тўловлар бундан мустасно) дастлаб нархларни (тарифларни) тартибга солиш





органлари хулосалари олиниб, кейинчалик тегишлигича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари билан маъқуллангандан сўнг тасдиқланиши белгиланганлиги;

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2021 йил 14 июлдаги "Вилоят ҳудудларида маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш учун мажбурий тўлов тарифларини маъқуллаш тўғриисида"ги VI-32-5-11-0-К/21-сонли қарори қабул қилинганлиги инобатга олинсин.

3. Вилоят ҳудудларида маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш учун таклиф этилган мажбурий тўлов тарифларининг нархлари (тарифлари) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги "Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалға ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 95-сон қарори билан тасдиқланган Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш Қоидаларнинг 1-иловаси 8-бандига асосан суюқ маиший чиқиндилар, йирик габаритли маиший чиқиндилар, чорвачилик чиқиндилари, қурилиш чиқиндилари ва тупроқ, дарахт ва буталарни кесиш ҳамда агротехник ишлов беришдан ҳосил бўладиган чиқиндилар (дарахт ва бута шох-шаббалари, кесиш ишлари қолдиқлари, барглар ва бошқалар)ни олиб чиқиб кетиш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан келишилган нархларда алоҳида тўловлар эвазига амалга оширилиши, бунда, мазкур бандда кўрсатилган чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан ўзининг хизмат кўрсатиш зонасидан ташқарида амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб

5. Молия бош бошқармаси (З.Рўзиев), вилоят Давлат молиявий назорати бошқармаси (С.Жўраев), Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси (А.Холматов) билан биргаликда вилоят Кенгаши қарори билан тасдиқланган вилоят ҳудудларида маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш учун таклиф этилган мажбурий тўлов тарифларининг нархлари (тарифлари)ни ўрнатилган тартибда қўллаб борилиши юзасидан назорат

тадбирларини олиб борсин.

6. Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (Д.Джумабаев) Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (Ш.Аслонов) билан биргаликда вилоят ҳокимининг мазкур қарори ҳамда вилоят ҳудудларида маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш учун таклиф этилган мажбурий тўлов тарифларининг нархлари (тарифлари) вилоятдаги маҳаллий телевидение ва радиоканалларда ҳамда ҳокимлик муассислигидаги газеталарда эълон қилсин ҳамда ҳокимликларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирсин.

7. Ушбу қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Уринбоев зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари** **А.Уринбоев**





Фарғона вилоят ҳокимининг
2021 йил 27 июлдаги
40-11-0-Q/21-сон қарорига
1-илова

**Ҳудудларда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш учун таклиф этилган мажбурий тўлов тарифларининг нархлари (тарифлари)**

| Т/р | Ҳудуд тоифалари | Қаттиқ маиший чиқиндилар | | | Суюқ маиший чиқиндилар | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Аҳолига (бир киши учун) бир ойлик учун (сўм ҳисобида) | Юридик ташкилотларга 1 м3 учун ҚҚС сиз (сўм ҳисобида) | Юридик ташкилотларга 1 м3 учун ҚҚС билан (сўм ҳисобида) | Аҳолига бир тонна учун (сўм ҳисобида) | Юридик ташкилотларга бир тонна учун ҚҚС билан (сўм ҳисобида) |
| 1. | Шаҳарлар ҳудудлари учун | 4000 | 40000 | 46000 | 40601 | 46691 |
| 2. | Туманлар ҳудудлари учун | 3000 | 40000 | 46000 | 40601 | 46691 |